

**ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.Tib.50.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

НАПАСОВ ИЛХОМЖОН ЗУБАЙДУЛЛОЕВИЧ

**НАЙСИМОН СУЯКЛАР ЁПИҚ СИНИШЛАРИДА СУЯК
РЕГЕНЕРАЦИЯСИ БУЗИЛИШЛАРИ ИСТИҚБОЛИНИ
БЕЛГИЛАШНИНГ ИММУНОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ**

14.00.36 – Аллергология ва иммунология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Напасов Илхомжон Зубайдуллоевич Найсимон суяклар ёпиқ синишларида суяк регенерацияси бузилишлари истикболини белгилашнинг иммунологик жиҳатлари.....	3
Напасов Илхомжон Зубайдуллоевич Иммунологические аспекты прогнозирования нарушения костной регенерации при закрытых переломах трубчатых костей.....	25
Napasov Ikhomjon Zubaydulloeyich Immunological aspects of predicting bone regeneration disorders in closed fractures of tubular bones.....	47
Эълон қилинган нашрлар рўйхати Список опубликованных работ Lists of published works	53

**ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.Tib.50.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

НАПАСОВ ИЛХОМЖОН ЗУБАЙДУЛЛОЕВИЧ

**НАЙСИМОН СУЯКЛАР ЁПИҚ СИНИШЛАРИДА СУЯК
РЕГЕНЕРАЦИЯСИ БУЗИЛИШЛАРИ ИСТИҚБОЛИНИ
БЕЛГИЛАШНИНГ ИММУНОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ**

14.00.36 – Аллергология ва иммунология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.3.PhD/Tib3947 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертация Самарқанд давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.immuno.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Хамдамов Бахтиёр Зарифович**
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Файзуллаева Нигора Яхъяевна**
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Юлдашев Илхом Рузиевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Тошкент тиббиёт академияси**

Диссертация ҳимояси Иммунология ва инсон геномикаси институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.Tib.50.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент ш., Я. Ғулямов кўч, 74. Тел./факс +99871-207-08-30, e-mail: immunology@immuno.uz).

Диссертация билан Иммунология ва инсон геномикаси институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ _____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100060, Тошкент ш., Я. Ғулямов кўч, 74. Тел./факс: +99871-207-08-30.

Диссертация автореферати 2025 йил «___» _____ кунни тарқатилди.
(2025 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Т.У. Арипова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

Х.М. Хатамов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори (DSc)

А.А. Исмаилова
Илмий даражаларни берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Сўнгги йилларда травматологик, айниқса суякларни синиши билан кечадиган касалликларни олдини олиш ва даволаш муҳим муаммолардан бўлиб қолмоқда. Айниқса найсимон суякларнинг ёпиқ синишларида суяк регенерацияси бузилиши билан боғлиқ муаммолар узок муддатли оғриқли синдром, оёқ-қўл функцияларининг йўқотилиши, руҳий стресс ҳолатлари ва ногиронликка олиб келиши билан боғлиқ бўлмоқда. Мутахассислар маълумотига кўра, «... суяк регенерациясининг бузилиши оқибатида сохта бўғим юзага келиши ҳамма синишларнинг тахминан 2% да, баъзи шикастланишларда мазкур бузилиш 20% га етиши кузатилмоқда...»¹. Суяклар ёпиқ синиши оғир оқибатларга олиб келиши, суяк регенерацияси патогенезнинг мураккаблиги, ижтимоий-иқтисодий оқибатлари, ушбу ҳолатларни эрта клиник-иммунологик ташхислаш, даволаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва уни амалий тиббиётга тадбиқ қилишни тақозо этмоқда.

Жаҳон миқёсида травматологик касалликларини эрта босқичда ташхислаш, олдини олиш ва даволаш чора-тадбирларини такомиллаштиришга қаратилган илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада найсимон суякларнинг ёпиқ синишларида биокимёвий ва иммунологик кўрсаткичлар ҳолатини аниқлаш, суяк регенерацияси механизмларини аниқлаш, оёқ-қўл функцияларини тиклаш, сохта бўғимлар ҳосил бўлиши ва келиб чиқишини олдини олиш усулларни оптималлаштиришга бағишланган изланишлар илмий-тадқиқотларнинг устивор йўналиши бўлиб қолмоқда. Шулар билан бир қаторда найсимон суяклар ёпиқ синиши бўлган беморларда суяк тўқимаси регенерациясини ташхислаш усулларини такомиллаштириш, даволаш, профилактика чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш соҳа мутахассислари олдида турган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли чоралар орасида травматологик касалликларни эрта ташхислаш ва комплекс даволашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг еттита устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»² каби вазифалар белгиланган. Бундан келиб чиққан ҳолда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янги босқичга кўтариш, соғлом муҳит яратиш, айниқса, найсимон суяклар ёпиқ синиши бўлган беморларда суяк тўқимаси регенерациясида иммун тизим фаолиятини ҳар томонлама аниқлаш ва даволашга янги ёндошувлар ишлаб чиқиш, касалланиш даражасини камайтириш алоҳида аҳамият касб қилмоқда.

¹Mills L.A., Aitken S.A., Simpson A.H. The risk of non-union per fracture: current myths and revised figures from a population of over 4 million adults. // Acta Orthop. 2017; #88: P.434-439

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиётстратегияси тўғрисида» ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6610-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги фармонлари, 2017-йил 20-июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикасида аҳолига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши-нинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сўнгги ўн йиллик ичида олимларни эътибори иммун тизими билан суяк тўқимасининг ўзаро чамбарчас боғлиқлигига қаратилган. Бундай эътибор остеоиммунология янги термини пайдо бўлишига сабаб бўлди [J.R.Arron, Y.Choi, 2000]. Бугунги кунга келиб, иммун тизимини аксарият компонентлари қаторидаги кўпсонли молекулалар, цитокинлар, гормонлар, рецепторлар ва транскрипция омиллари ва б. суяк тўқимасини регенератив жараёнлари билан узвий боғлиқ бўлмоқда. Бундай тадқиқотлар физиологик, ҳамда патологик шароитларда ўтказилмоқда (K.Okamoto, T.Nakashima, M.Shinohara, 2021).

Бугунги кунда, маълум бўлишича, Т-хужайралар ҳамда уларни ёрдамчи компонентлари суяк тўқимаси ва уларнинг ёрдамчи хужайралари регенерациясида фаол иштирок этади. Биринчи навбатда бу остеоκластогенез жараёнининг шаклланишида бевосита тегишли бўлади (G.Kumar et al., 2019; P.M.Roger et al., 2021). Суяк тўқимаси регенерациясида цитокинларнинг назоратдаги ўрни ҳақида маълумотлар мавжуд. Ўсма некрози омили ва бошқа бир неча цитокинлар суяк регенерацияси жараёнида иштирок этади (Т.Kaito et al., 2018; Т.Morimoto et al., 2022; Y.Mori et al., 2020). Т-хужайравий хужайра-хелперлар томонидан ишлаб чиқиладиган цитокинлар ҳам остеоκластогенезда муҳим ўрин тутади. IL-8 ва IL-18, Th1 хужайраларининг дифференцировкасини бошлаб беради ҳамда Th1 хужайралар ишлаб чиқарадиган цитокинлар биргаликда остеоκластлар шаклланишига ингибирловчи таъсир кўрсатади (K.Sato, H.Takayanagi 2022). Шундай бўлса ҳам, Th1 хужайралари ҳам остеобластлар TNFα дифференциацияси орқали остеоκластлар ва остеобластлар алоқасига аралашиб, суяк тўқимасининг резорбциясига ёрдам бериши мумкин (H.Terheyden, B.Stadlinger, M.Sanz, 2024). Th2 хужайралар ишлаб чиқарадиган цитокинлар, асосан IL-4 ва IL-10, остеоκластлар шаклланишига ингибирловчи таъсир кўрсатади (H.Takayanagi, K.Ogasawara, S.Hida, 2022).

T-хужайралар остеокластогенезга билвосита ҳам, IL-17 фаол секрецияси орқали тўғридан тўғри ҳам таъсир кўрсатиши исботланган, бу эса TNF- α ва IL-1 ни секрециясига олиб келади, улар эса ўз навбатида остеокластогенезни қўллаб-қувватлайди (I.E.Adamopoulos, E.P.Bowman, 2020). Фаоллашган T-хужайралар остеокластогенезни индукциялайди, бу билан остеокластни прогенитор хужайраларига тўғридан тўғри таъсир кўрсатади. Аксинча, тинч ҳолат T-хужайралари, B-хужайралар ёрдамида механизмларни тўлиқ бостириш орқали ўз ичига қамраб олган механизм ёрдамида остеокластогенезни ингибирлайди (D.Grcevic, 2020). Бундан ташқари, T-хужайралари ҳам CD4+ ва CD8+ га дифференциалланиши мумкин, улар остеокластогенезига таъсир кўрсатиши мумкин. CD4+, T-хужайралари остеокластлар ҳосил бўлишига таъсир кўрсатмайди, бунда CD8+, T-хужайраларини камайиши остеокластлар шаклланишини 40% га ортишига олиб келади (V.John, 2020). Бу ҳолат дифференциалланган T-хужайралар биринчи ўринда остеокластогенезга кўмаклашишда ўрин эгаллайди.

Бу борада, бугунги кунгача, найсимон суякларнинг ёпиқ синишларида бўлган беморларда суяк регенерациясидан қатъий назар хужайравий ва гуморал иммунитет кўрсаткичларида рўй берган ўзгаришларни хусусиятлари аниқлаш долзарб бўлмоқда. Шу билан бир қаторда, суяк тўқимасининг регенерацияси жараёнида хужайравий-гуморал иммунитетнинг кўрсаткичлари ташхислашнинг ускунавий услублари маълумотларини мониторинг қилиш натижаларини таҳлили ўтказилиши, фикримизча, ўтказилаётган даволашнинг якунини башоратлашда муҳим жиҳатларни ошқор қилишга ёрдам берган бўларди. Юқорида айтилганларни ҳаммаси мазкур диссертация ишини асосий йўналишини белгилаб берди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат тиббиёт университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ № 012000260-сонли «Юқумли ва ижтимоий аҳамиятга эга юқумли бўлмаган касалликларнинг олдини олиш, ташхислаш ва даволашнинг илғор технологияларини ишлаб чиқиш» (2021-2023 йй.) амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади найсимон суяклар ёпиқ синишларида суяк регенерацияси бузилишлари истиқболни белгилашнинг иммунологик жиҳатлари аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

найсимон суяклар ёпиқ синиши бўлган беморларда суяк тўқимаси регенерацияси якунига боғлиқ ҳолда, хужайравий иммунитет кўрсаткичлари ўзгаришини аниқлаш;

найсимон суяклар ёпиқ синиши бўлган беморларда суяк тўқимаси регенерацияси якунига боғлиқ ҳолда, гуморал иммунитет кўрсаткичлари ва қон лейкоцитар реакцияси ўзгаришларини аниқлаш;

найсимон суяклар ёпиқ синиши бўлган беморларда хужайравий ва гуморал иммунитет кўрсаткичлари ва синган жой соҳаси ультратовуш ташхиси мониторинги натижаларини таҳлил қилиш;

найсимон суяклар ёпиқ синиши суяк тўқимаси регенерацияси бузилишини башоратлашнинг клиник-иммунологик усулларини ишлаб чиқиш;

найсимон суяклар ёпиқ синиши бўлган беморларда суяк тўқимаси регенерацияси бузилишини башоратлаш бўйича ишлаб чиқилган клиник-иммунологик усуллар самарадорлигини қиёсий баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2017-2022 йилларда Республика ихтисослашган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази Самарқанд филиали назоратида бўлган найсимон суякларнинг ёпиқ синиши билан касалланган 226 нафар беморлар олинди.

Тадқиқотнинг предмети сифатида найсимон суякларнинг ёпиқ синиши билан касалланган беморлар вена қони ва қон зардоби иммунологик тадқиқотлар учун олинди.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумклиник, иммунологик, инструментал ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор найсимон суяклар ёпиқ синиши бўлган беморларда амалга оширилган жарроҳлик амалиёти турига боғлиқ бўлмаган ҳолатда фагоцитларнинг функционал метаболик фаоллиги ва нейтрофиллар сони ишонарли ортиши фонида CD3⁺ ва CD19⁺ лимфоцитлар сонининг кескин пасайиши сабабли суяк тўқимасининг меъёрий регенерацияси бузилиши юзага келиши аниқланган;

илк бор остеосинтездан кейинги эрта муддатларда яллиғланишга хос цитокинлар (IL-1 α , IL-1 β , IL-8 ва TNF- α) ва иммуноглобулинлар (IgA, IgM) миқдорлари ортиши суяк тўқимаси меъёрий регенерациясига, остеомиелитли беморларда узок муддатларда яллиғланишга қарши IL-10 цитокини ва IgG миқдорининг кескин ортиши сабабли суяк тўқимаси регенерацияси бузилишига олиб келиши аниқланган;

илк бор суяк тўқимаси регенерациясида хужайравий ва гуморал иммунитет кўрсаткичларидаги (лимфоцитоз, лейкоцитар ва фагоцитар фаолликнинг ортиши, Т ва В-лимфоцитлар экспрессияси кучайиши, яллиғланишга хос цитокинлар ва иммуноглобулинлар миқдори ортиши, макрофаглар ва бошқа лейкоцит популяциялари метаболик фаоллигининг ортиши) ўзгаришлар сабабли синган жойда ўткир циркулятор бузилишлар, синган жой соҳаси васкуляризацияси, суяк-тоғай қадоғининг шаклланиши ва периостал реакция ортиши исботланган;

илк бор найсимон суяклар ёпиқ синишида суяк тўқимаси регенерацияси фазаларининг ултратовуш манзарасига интеграцияланган мезонлари, маҳаллий йирингли-яллиғланиш асоратлар мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги ҳамда хужайравий ва гуморал иммунитет кўрсаткичлари миқдори суяк тўқимаси регенерациясидаги бузилишларни башоратлаш учун оптимал кўрсаткичлар эканлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

найсимон суяклари ёпиқ синиши бўлган беморларда Т-хужайравий иммунитет кўрсаткичлари (CD3⁺, CD19⁺) миқдори ўзгаришларини аниқлаш асосланган;

найсимон суяклари ёпиқ синиши бўлган беморларда гуморал иммунитет кўрсаткичлари (IL-1 α , IL-1 β , IL-8, TNF- α , IL-10, IgA, IgM, IgG) микдори ўзгаришларини аниқлаш тавсия этилган;

найсимон суякларида ёпиқ синишлари бўлган беморларда жарроҳликдан кейинги даврда «IPBR» («Суяк тўқимаси регенерациясини башоратлаш усуллари») дастури ишлаб чиқилган;

суяк тўқималари регенерацияси жараёни кечиши бўйича клиник-иммунологик мониторинг дастур самарадорлиги жарроҳликдан кейинги 3 ойгача муддатда қўлланилиши тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндошув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, умумклиник, иммунологик, инструментал ва статистик тадқиқот усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти найсимон суяклар ёпиқ синишларида суяк регенерацияси бузилишлари истиқболни белгилашнинг иммунологик жиҳатларини аниқлаш бўйича беморларда фагоцитларнинг функционал метаболик фаоллиги ва нейтрофиллар сони ишонарли ортиши фонида CD3⁺ ва CD19⁺ лимфоцитлар сонининг кескин пасайиши суяк тўқимасининг меъёрий регенерацияси бузилиши юзага келиши аниқланганлиги, эрта муддатларда яллиғланишга хос цитокинлар (IL-1 α , IL-1 β , IL-8 ва TNF- α) ва иммуноглобулинлар (IgA, IgM) микдорлари ортиши суяк тўқимаси меъёрий регенерациясига, остеомиелитли беморларда узоқ муддатларда яллиғланишга қарши IL-10 цитокини ва IgG микдориининг кескин ортиши суяк тўқимаси регенерацияси бузилишига олиб келиши аниқланганлиги ва ушбу ўзгаришлар синган жойда ўткир циркулятор бузилишлар, синган жой соҳаси васкуляризацияси, суяк-тоғай қадоғининг шаклланиши ва периостал реакция ортиши исботланганлиги касаллик патогенезининг янги жиҳатларини очиш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти найсимон суяклари ёпиқ синиши бўлган беморларда Т-хужайравий иммунитет кўрсаткичлари (CD3⁺, CD19⁺) микдори ўзгаришларини аниқлаш асосланганлиги, гуморал иммунитет кўрсаткичлари (IL-1 α , IL-1 β , IL-8, TNF- α , IL-10, IgA, IgM, IgG) микдори ўзгаришларини аниқлаш тавсия этилганлиги, жарроҳликдан кейинги даврда «IPBR» («Суяк тўқимаси регенерациясини башоратлаш усуллари») дастури ишлаб чиқилганлиги ва унинг самарадорлиги жарроҳликдан кейинги 3 ойгача муддатда қўлланилиши тавсия этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши. Найсимон суяклар ёпиқ синишларида суяк регенерацияси бузилишлари истиқболни белгилашнинг иммунологик жиҳатлари аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгилиги: илк бор найсимон суяклар ёпиқ синиши бўлган

беморларда амалга оширилган жарроҳлик амалиёти турига боғлиқ бўлмаган ҳолатда фагоцитларнинг функционал метаболоик фаоллиги ва нейтрофиллар сони ишонарли ортиши фонида CD3⁺ ва CD19⁺ лимфоцитлар сонининг кескин пасайиши сабабли суяк тўқимасининг меъёрий регенерацияси бузилиши юзага келиши аниқланганлиги бўйича «Найсимон суякларнинг ёпиқ синишида суяк тўқимаси регенерацияси бузилишларини башорат қилиш усулларини ишлаб чиқиш ва самарадорлигини қиёсий баҳолаш» услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган (Самарқанд давлат тиббиёт университети Эксперт кенгашининг 2024 йил 1 майдаги 88-сонли хулосаси) билан тасдиқланган. Мазкур таклиф Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро филиали бўйича буйруқ 29.05.2024 йилдаги №97-сонли, Республика ихтисослашган травматология ортопедия илмий амалий маркази Самарқанд филиали бўйича буйруқ 27.05.2024 йилдаги №97-сонли ҳамда Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий маркази Сирдарё вилоят филиали бўйича буйруқ 01.05.2024 йилдаги №137-сонли буйруқлари билан амалиётларига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги илмий техник кенгашининг 2024 йил 26-августдаги № 05/65-сонли маълумотномаси); *ижтимоий самарадорлиги*: олинган натижалар найсимон суякларнинг ёпиқ синишида суяк тўқимаси регенерацияси бузилишларини башорат қилиш усулларида ўз вақтида касаллик асоратларини камайтириш, ногиронликни ўз вақтида олдини олиш, ўз навбатида даволаш тактикасини танлаш, беморлар ҳаёт сифатини яхшилашга имкон яратади; *иктисодий самарадорлиги*: илмий натижаларнинг Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро филиали, Республика ихтисослашган травматология ортопедия илмий амалий маркази Самарқанд филиали ҳамда Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий маркази Сирдарё вилоят филиали амалий фаолиятларига жорий этилиши касалларда найсимон суякларининг ёпиқ синишида суяк тўқимаси регенерацияси бузилишларини башорат қилиш усулларини қўллаш орқали бир беморни даволашга сарфланган маблағнинг 2150000 сўмгача тежалиши асосланган. *Хулоса*: найсимон суяклари ёпиқ синиши бўлган беморларда Т-хужайравий иммунитет кўрсаткичлари (CD3⁺, CD19⁺) миқдори ўзгаришлари, гуморал иммунитет кўрсаткичлари (IL-1 α , IL-1 β , IL-8, TNF- α , IL-10, IgA, IgM, IgG) миқдори ўзгаришларини аниқлаш ва беморларда жарроҳликдан кейинги даврда «IPBR» («Суяк тўқимаси регенерациясини башоратлаш усуллари») дастури қўлланиши асосланган.

иккинчи илмий янгилиги: илк бор остеосинтездан кейинги эрта муддатларда яллиғланишга хос цитокинлар (IL-1 α , IL-1 β , IL-8 ва TNF- α) ва иммуноглобулинлар (IgA, IgM) миқдорлари ортиши суяк тўқимаси меъёрий регенерациясига, остеомиелитли беморларда узоқ муддатларда яллиғланишга қарши IL-10 цитокини ва IgG миқдориининг кескин ортиши сабабли суяк тўқимаси регенерацияси бузилишига олиб келиши аниқланганлиги бўйича «Найсимон суякларнинг ёпиқ синишида суяк тўқимаси регенерацияси бузилишларини башорат қилиш усулларини ишлаб чиқиш ва самарадорлигини қиёсий баҳолаш» услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган (Самарқанд давлат тиббиёт университети Эксперт кенгашининг 2024 йил 1 майдаги 88-сонли хулосаси) билан тасдиқланган. Мазкур таклиф Республика шошилиш тиббий

ёрдам илмий маркази Бухоро филиали бўйича буйруқ 29.05.2024 йилдаги №97-сонли, Республика ихтисослашган травматология ортопедия илмий амалий маркази Самарканд филиали бўйича буйруқ 27.05.2024 йилдаги №97-сонли ҳамда Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Сирдарё вилоят филиали бўйича буйруқ 01.05.2024 йилдаги №137-сонли буйруқлари билан амалиётларига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги илмий техник кенгашининг 2024 йил 26-августдаги № 05/65-сонли маълумотномаси); *ижтимоий самарадорлиги*: олинган натижалар найсимон суякларнинг ёпиқ синишида суяк тўқимаси регенерацияси бузилишларини башорат қилиш усулларида ўз вақтида касаллик асоратларини камайтириш, ногиронликни ўз вақтида олдини олиш, ўз навбатида даволаш тактикасини танлаш, беморлар ҳаёт сифатини яхшилашга имкон яратади; *иқтисодий самарадорлиги*: илмий натижаларнинг Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро филиали, Республика ихтисослашган травматология ортопедия илмий амалий маркази Самарканд филиали ҳамда Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Сирдарё вилоят филиали амалий фаолиятларига жорий этилиши касалларда найсимон суякларининг ёпиқ синишида суяк тўқимаси регенерацияси бузилишларини башорат қилиш усуллари кўллаш орқали бир беморни даволашга сарфланган маблағнинг 2150000 сўмгача тежалиши асосланган. *Хулоса*: найсимон суяклари ёпиқ синиши бўлган беморларда Т-хужайравий иммунитет кўрсаткичлари (CD3+, CD19+) микдори ўзгаришлари, гуморал иммунитет кўрсаткичлари (IL-1 α , IL-1 β , IL-8, TNF- α , IL-10, IgA, IgM, IgG) микдори ўзгаришларини аниқлаш ва беморларда жарроҳликдан кейинги даврда «IPBR» («Суяк тўқимаси регенерациясини башоратлаш усуллари») дастури кўлланиши асосланган.

учинчи илмий янгилиги: илк бор суяк тўқимаси регенерациясида хужайравий ва гуморал иммунитет кўрсаткичларидаги (лимфоцитоз, лейкоцитар ва фагоцитар фаолликнинг ортиши, Т ва В-лимфоцитлар экспрессияси кучайиши, яллиғланишга хос цитокинлар ва иммуноглобулинлар микдори ортиши, макрофаглар ва бошқа лейкоцит популяциялари метаболик фаоллигининг ортиши) ўзгаришлар сабабли синган жойда ўткир циркулятор бузилишлар, синган жой соҳаси васкуляризацияси, суяк-тоғай қадоғининг шаклланиши ва периостал реакция ортиши исботланганлиги бўйича «Найсимон суякларнинг ёпиқ синишида суяк тўқимаси регенерацияси бузилишларини башорат қилиш усуллари ишлаб чиқиш ва самарадорлигини қиёсий баҳолаш» услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган (Самарканд давлат тиббиёт университети Эксперт кенгашининг 2024 йил 1 майдаги 88-сонли ҳулосаси) билан тасдиқланган. Мазкур таклиф Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро филиали бўйича буйруқ 29.05.2024 йилдаги №97-сонли, Республика ихтисослашган травматология ортопедия илмий амалий маркази Самарканд филиали бўйича буйруқ 27.05.2024 йилдаги №97-сонли ҳамда Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Сирдарё вилоят филиали бўйича буйруқ 01.05.2024 йилдаги №137-сонли буйруқлари билан амалиётларига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги илмий техник кенгашининг 2024 йил 26-августдаги № 05/65-сонли маълумотномаси);

ижтимоий самарадорлиги: олинган натижалар найсимон суякларнинг ёпиқ синишида суяк тўқимаси регенерацияси бузилишларини башорат қилиш усулларидан ўз вақтида касаллик асоратларини камайтириш, ногиронликни ўз вақтида олдини олиш, ўз навбатида даволаш тактикасини танлаш, беморлар ҳаёт сифатини яхшилашга имкон яратади; *иқтисодий самарадорлиги:* илмий натижаларнинг Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро филиали, Республика ихтисослашган травматология ортопедия илмий амалий маркази Самарканд филиали ҳамда Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Сирдарё вилоят филиали амалий фаолиятларига жорий этилиши касалларда найсимон суякларининг ёпиқ синишида суяк тўқимаси регенерацияси бузилишларини башорат қилиш усулларини қўллаш орқали бир беморни даволашга сарфланган маблағнинг 2150000 сўмгача тежалиши асосланган. *Хулоса:* найсимон суяклари ёпиқ синиши бўлган беморларда Т-хужайравий иммунитет кўрсаткичлари (CD3+, CD19+) миқдори ўзгаришлари, гуморал иммунитет кўрсаткичлари (IL-1 α , IL-1 β , IL-8, TNF- α , IL-10, IgA, IgM, IgG) миқдори ўзгаришларини аниқлаш ва беморларда жарроҳликдан кейинги даврда «IPBR» («Суяк тўқимаси регенерациясини башоратлаш усуллари») дастури қўлланиши асосланган.

тўртинчи илмий янгилиги: илк бор найсимон суяклар ёпиқ синишида суяк тўқимаси регенерацияси фазаларининг ултратовуш манзарасига интеграцияланган мезонлари, маҳаллий йиринг-яллиғланиш асоратлар мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги ҳамда хужайравий ва гуморал иммунитет кўрсаткичлари миқдори суяк тўқимаси регенерациясидаги бузилишларни башоратлаш учун оптимал кўрсаткичлар эканлиги асосланганлиги бўйича «Найсимон суякларнинг ёпиқ синишида суяк тўқимаси регенерацияси бузилишларини башорат қилиш усулларини ишлаб чиқиш ва самарадорлигини қиёсий баҳолаш» услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган (Самарқанд давлат тиббиёт университети Эксперт кенгашининг 2024 йил 1 майдаги 88-сонли хулосаси) билан тасдиқланган. Мазкур таклиф Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро филиали бўйича буйруқ 29.05.2024 йилдаги №97-сонли, Республика ихтисослашган травматология ортопедия илмий амалий маркази Самарканд филиали бўйича буйруқ 27.05.2024 йилдаги №97-сонли ҳамда Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Сирдарё вилоят филиали бўйича буйруқ 01.05.2024 йилдаги №137-сонли буйруқлари билан амалиётларига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги илмий техник кенгашининг 2024 йил 26-августдаги № 05/65-сонли маълумотномаси); *ижтимоий самарадорлиги:* олинган натижалар найсимон суякларнинг ёпиқ синишида суяк тўқимаси регенерацияси бузилишларини башорат қилиш усулларидан ўз вақтида касаллик асоратларини камайтириш, ногиронликни ўз вақтида олдини олиш, ўз навбатида даволаш тактикасини танлаш, беморлар ҳаёт сифатини яхшилашга имкон яратади; *иқтисодий самарадорлиги:* илмий натижаларнинг Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро филиали, Республика ихтисослашган травматология ортопедия илмий амалий маркази Самарканд филиали ҳамда Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Сирдарё вилоят филиали амалий фаолиятларига жорий этилиши

касалларда найсимон суякларининг ёпиқ синишида суяк тўқимаси регенерацияси бузилишларини башорат қилиш усулларини қўллаш орқали бир беморни даволашга сарфланган маблағнинг 2150000 сўмгача тежалиши асосланган. *Хулоса:* найсимон суяклари ёпиқ синиши бўлган беморларда Т-хужайравий иммунитет кўрсаткичлари (CD3+, CD19+) микдори ўзгаришлари, гуморал иммунитет кўрсаткичлари (IL-1 α , IL-1 β , IL-8, TNF- α , IL-10, IgA, IgM, IgG) микдори ўзгаришларини аниқлаш ва беморларда жарроҳликдан кейинги даврда «IPBR» («Суяк тўқимаси регенерациясини башоратлаш усуллари») дастури қўлланиши асосланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари жами 4 та, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш, шулардан Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хотима, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, мақсад ва вазифалари белгиланган, ҳамда тадқиқот ҳажми ва предмети белгиланган, тадқиқотнинг республика фан ва технология ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги кўрсатилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг тузилмаси бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Суяк тўқимаси регенерацияси жараёнига иммун ҳолатнинг таъсири”** деб номланган биринчи бобида суяк тўқимаси регенерациясида хужайравий ва гуморал иммунитетни ўрни ва аҳамиятига нисбатан адабиётлар шарҳи келтирилган.

Диссертациянинг **“Текширилган беморларнинг умумий тавсифи ва фойдаланилган тадқиқот усуллари”** деб номланган иккинчи боби тадқиқотнинг материали ва услубларига бағишланган.

Узун найсимон суякларнинг ёпиқ синишлари бўлган 226 нафар беморларни комплекс текшириш ва даволаш натижалари таҳлил қилинди. Барча беморлар 2017-2022 йиллар мобайнида Республика ихтисослашган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт марказини Самарқанд филиалида текширув ва даволанишда бўлганлар.

Тадқиқотга беморларнинг киритилиш мезонлари қуйидагилар: беморлар ёши 18-70 ёш, бўкса ёки катта болдир суягида ёпиқ синиш; суяк-ҳаракат

аппаратида ёндош касалликларнинг йўқлиги; ёндош касалликларнинг хуруж даври эмаслиги; суяк синишларини маҳаллий асоратлари мавжуд эмаслиги (томирлар ва асаб толалари шикастланишлари); суяк синишларида умумий асоратларни мавжуд эмаслиги (шикаст шоки, ёғ эмболияси ва тромбоемболияси); даволашнинг жарроҳлик услублари қўлланилганлиги.

Клиник материал биз томонимиздан иккига ажратилди: назорат ва асосий гуруҳлар. Асосий гуруҳ 112 нафар бемордан иборат бўлиб, уларда суяк тўқимаси регенерациясини башоратлаш мақсадида биз томонимиздан ишлаб чиқилган «IPBR» дастури («Суяк тўқимаси регенерациясини башоратлаш усуллари») ёрдамида клиник-иммунологик мониторинг қўлланилди. Назорат гуруҳида суяк тўқимасининг регенерациясини баҳолашнинг қўлланган анъанавий усуллари фонида хужайравий-гуморал иммунитетни асосий кўрсаткичлари тадқиқоти ўтказилди. Ёш ва етилган ёшдаги (61,5%) эркак жинси беморлари кўпчиликти ташкил қилган (77,4%).

Назорат гуруҳидаги беморларнинг 71,1% да, асосий гуруҳни эса 74,1% ҳолатда беморлар катта болдир суягининг ёпиқ синиши юзасидан мурожаат билан келганлар. Қолган беморларда бўкса суягини ёпиқ синишлари қайд этилган (мос равишда, 28,9% ва 25,9%). Назорат ва асосий гуруҳларда найсимон суякларнинг синишини сабаби маиший ва кўчада юз берган шикастлар бўлган (мос равишда, 44,7% ва 49,1%). Ташхис қўйилишида М.Е.Мuller ва муаллифдошлари таснифи қўлланилган (1996).

Узун найсимон суякларида синишлари бўлган барча беморлар жарроҳлик амалиётини бошдан кечирдилар. 79 (35%) нафарида интрамедуал остеосинтез, 93 (41,2%) нафарида – суяк усти (экстрамедуал) остеосинтез ва 54 (23,9%) нафарида – Илизаров аппарати ёрдамида суяк ораси остеосинтези қўлланилган. Беморларни ҳар бир гуруҳини даволаш кечиши ва якунига боғлиқ ҳолда уч кичик гуруҳга тақсимланди. Биринчи кичик гуруҳни жарроҳликдан кейинги давр асоратсиз, суяк тўқимасини меъёрий регенерацияси билан кечган беморлар ташкил қилди (39,8%). Иккинчи гуруҳга жарроҳликдан кейинги давр маҳаллий йирингли-яллиғланишли асоратлар билан кечган, даволаш якуни эса қониқарли тамомланган беморлар киритилди (50,4%). Учинчи кичик гуруҳ жарроҳликдан кейинги даврда маҳаллий йирингли-яллиғланиш асоратлари ривожланиши фонида суяк регенерацияси бузилиши рўй берган беморлардан ташкил топди.

Тадқиқот услублари комплекс бўлиб, травматология ва ортопедия беморларига тиббий ёрдам кўрсатишнинг Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган регламент стандартларига мувофиқ ўтказилди.

Лейкоцитлар миқдорини аниқлаш бўйича қоннинг лейкоцитар реакциясин Романовский-Гимзе услуги бўйича бўялган қон суртмаларида ўтказилди [Т.Н.Соболева, Е.Б.Владимирская, 2000]. Бу ҳолат умумқабул қилинган лейкоцитар индексларнинг ҳисоблашга қўшимча имкон берди, улар организмнинг реактивлигини баҳолашда фаол қўлланилиб келинмоқда [Ж.Г.Мустафина ва ҳаммуал., 1999; А.А.Солдатов ва ҳаммуал., 1997]. Улар орасида Я.Я.Кальф-Калифа [1991] услуги бўйича интоксикациянинг

лейкоцитар индекси, аллергизациянинг лейкоцитар индекси, силжишни ядровий индекси, нейтрофилларнинг фагоцитар ва метаболик фаоллиги [Р.В.Петров, Р.М.Хаитов, Б.В.Пинегин, 1992].

Хужайравий иммунитетнинг кўрсаткичларидан Т-лимфоцитлар ва В-лимфоцитларни миқдори Купцнинг билвосита иммунфлюоресцент тести услуги ёрдамида, СД серияси моноклонал антитаналарини қўллаган ҳолда, CD3⁺ ва CD19⁺ кўрсаткичларига қараб аниқланган.

Зардоб иммунглобулинлари IgA, IgM, IgG, иммуноцитокинлар IL-1 α , IL-1 β , IL-8, IL-10 ва TNF- α миқдори иммунофермент усули билан аниқланган. Ушбу усул икки босқичли каттикфазали иммунофермент анализни “сэндвич”-варианта асосланган ва Ig A, M, G, IL-1 α , IL-1 β , IL-8, IL-10 ва TNF- α га қарши моноспецифик зардобларни қўллаган ҳолда утказилади.

Суяк бўлаклари регенерацияси динамикасининг баҳолаш жараёни жарроҳликдан кейинги давр динамикасида, синган жой соҳасини ултратовуш ташхислаш ёрдамида суякни соғлом жуфт томони билан солиштирган ҳолда ўтказилди.

Тадқиқотлар беморнинг клиника муурожаат қилиб келган куни ва жарроҳликдан кейинги даврда маълум кунларга тақсимланган ҳолда, 3-10 кун ва жарроҳликдан кейинги 1, 3, 6 ва 12 ой ўтгач амалга оширилган.

Олинган натижалар базага келиб тушган даврида Microsoft Excel дастурида умумлаштирилган йиғма жадвалга тизимлаштирилиб, Statistica for Windows дастурини қўллаган ҳолда ишлов берилди (5.12 версияси). Олинган ҳулосаларнинг статистик ишончлилигининг мезонларига тиббиётда умумқабул қилинган катталиқ - $p < 0,05$ олинган.

Диссертациянинг **“Суяк тўқималари регенерацияси натижаларига қараб найсимон суякларнинг ёпиқ синишлари бўлган беморларда қоннинг иммунологик кўрсаткичларининг ўзгариши хусусиятлари”** деб номланган учинчи боби найсимон суякларига ёпиқ синиш бўлган беморларда суяк тўқимаси регенерацияси яқунларига боғлиқ ҳолда, қоннинг иммунологик кўрсаткичларидаги ўзгаришларни табиатини аниқлашга бағишланган.

Найсимон суякларига ёпиқ синиш бўлган беморларда суяк тўқимаси регенерацияси яқунларига боғлиқ ҳолда, хужайравий иммунитет кўрсаткичларидаги ўзгаришлар табиатини баҳолашда Т-лимфоцитларни CD3⁺ хужайраларини қондаги миқдори жарроҳлик амалиётигача барча кичик гуруҳлар орасида биринчи кичик гуруҳда - (59,92 \pm 7,28%) ва учинчи гуруҳда (62,99 \pm 3,21%) максимал бўлгани маълум бўлди. Эрта даврда (10-30 кун) суяк регенерациясида иккинчи кичик гуруҳ беморларини қонида Т-лимфоцитлар CD3⁺ хужайраларини миқдори жадал камайгани кузатилди (56,11 \pm 4,17% ва 55,64 \pm 4,33% мос равишда; $p < 0,05$). Т-лимфоцитлар CD3⁺ хужайраларини минимал миқдори учинчи кичик гуруҳ беморларини қонида остеосинтездан 1 ойдан кейинги даврда қайд этилди (45,28 \pm 3,26%; $p < 0,05$).

Биринчи кичик гуруҳи беморлари қонида В-лимфоцитларни CD19⁺ хужайраларининг миқдоридаги ўзгаришларни тўлқинсимон эгри динамикаси 9,71 \pm 0,17% гача ортиш ва 9,20 \pm 0,28% гача пасайишни намоён қилди. Қонда В-лимфоцитларни CD19⁺ хужайраларининг миқдорини жадал ўсиши жарроҳлик

амалиётидан кейин узоқ даврда (6-12 ой) бошланади, бунда кўрсаткичлар жарроҳлик олди дастлабки кўрсаткичларидан юқори бўлган ($10,17 \pm 1,03\%$ ва $10,94 \pm 1,12\%$, мос равишда). Иккинчи кичик гуруҳ беморларида остеосинтездан кейинги эрта муддатларда биз томонимиздан қон В-лимфоцитларини CD19+ хужайраларининг миқдорини $9,67 \pm 0,16\%$ дан $8,19 \pm 0,42\%$ гача камайиши қайд этилди ($p < 0,05$). Учинчи кичик гуруҳ беморларида қон В-лимфоцитларини CD19+ хужайраларининг миқдорининг эгри чизиги динамикаси регенератив жараённинг дастлабки 3 ойда $9,03 \pm 0,21\%$ дан $4,71 \pm 0,14\%$ ($p < 0,05$) гача жадал камайишида, кейин эса $6,33 \pm 0,15\%$ гача ошишида ($p < 0,05$) намоён бўлди.

Найсимон суякларида ёпиқ синиш бўлган беморларда суяк тўқимаси регенерацияси яқунларига боғлиқ ҳолда, қондаги иммуноглобулинлардаги ўзгаришлар хусусиятлари бўйича ўтказилган тадқиқотда маълум бўлишича, суяк тўқимаси регенерацияси жараёнида IgA, IgM ва IgG ни бир маромда бўлмаган динамикаси аниқланди. Бу ҳолат иккинчи ва учинчи кичик гуруҳ беморларида жароҳатнинг инфекциясиз асорати қўшилишига асосоланди.

Биринчи кичик гуруҳдаги беморларда Ig-A ни қондаги концентрацияси жарроҳлик амалиётидан кейинги 3 кун жарроҳликдан кейинги даврга нисбатан $2,39 \pm 0,24$ г/л дан $1,85 \pm 0,35$ г/л гача камайган ($p < 0,05$). Биринчи кичик гуруҳ беморларида Ig-A ни қондаги максимал концентрацияси 6 ойга тўғри келди ва $3,98 \pm 0,31$ г/л ни ташкил қилди, иккинчи кичик гуруҳ беморларида худди ўша муддатга тўғри келди ва $4,18 \pm 0,39$ г/л, учинчи кичик гуруҳ беморлари эса – 3 ой даврда $2,13 \pm 0,28$ г/л ($p < 0,05$) ни ташкил қилди.

Суяк тўқимаси регенерацияси динамикасида қонда IgM концентрациясидаги ўзгаришларни умумий динамикасига кўра, тўлқинсимон ўзгаришлар намоён бўлган. Клиникага мурожаат қилган найсимон суякларида ёпиқ синишлари мавжуд беморларда мазкур кўрсаткичнинг дастлабки миқдори $1,89 \pm 0,24$ г/л ни ташкил қилган. Жарроҳликдан кейинги 3-10 кунга келиб, IgM концентрацияси даражаси $1,61 \pm 0,26$ г/л ($p < 0,05$) гача ва $1,60 \pm 0,32$ г/л гача пасайиб кетди ($p < 0,05$). Жарроҳликдан кейинги 30 кунга келиб, IgM концентрацияси даражаси $1,51 \pm 0,34$ г/л гача пасайиб борган ($p < 0,05$).

Найсимон суякларини ёпиқ синиши бўлган беморларда жарроҳликдан кейинги давр динамикасида Ig-G ни қондаги концентрацияси референс кўрсаткичларни намоён қилди ($12,46 \pm 2,0$ г/л). Бунда беморлар келиб тушган ваатида (жарроҳликгача) қонида IgG ни концентрацияси ўртача нисбатлан юқорироқ бўлган ва $12,96 \pm 2,1$ г/л ни ташкил қилган. Остеосинтез қўйилганидан кейин узун найсимон суяклар регенерациясининг эрта даврида (3-30 кун) IgG концентрациясини ортиши ва пасайиши кузатилди, бироқ кўрсаткичларни ҳаммаси мазкур кўрсаткичнинг дастлабки миқдорларидан паст бўлди. Демак, узун найсимон суякларини синишлари бўлган беморларда остеосинтездан кейинги 3 кунга келиб, қонда IgG концентрацияси $11,12 \pm 1,62$ г/л гача пасайиши кузатилган. Бироқ, суяк қадоғи шаклланишинининг 10 кунига келиб, IgG концентрацияси $11,72 \pm 1,88$ г/л гача аҳамиятсиз ортган. Жорий кузатувнинг 30 кунда IgG концентрацияси $11,27 \pm 1,66$ г/л гача пасайган. Мазкур кўрсаткичларнинг ўртача статистик нисбатларидаги тебранишларнинг ишончсизлигини инобатга олиб айтиш мумкинки, диапазонлар чегаралари бир

бирига нисбатан ишончсиз бўлган. Остеосинтезни узок муддатларида суяк тўқимаси регенерациясининг 3-12 ойлик даврида IgG ни қондаги концентрацион эгри чизиғидаги ўзгаришлар қизиқарли бўлди. Бу муддатда IgG кўрсаткичлари дастлабки миқдори, ҳамда жарроҳликдан аввалги давр кўрсаткичларидан юқори бўлган бўлсада, узок муддатли кузатувларда бу тебранишлар ҳам ишончли бўлмаган.

Найсимон суякларда ёпиқ синишлари бўлган беморлар қонида суяк тўқимаси регенерациясининг якунига боғлиқ ҳолда, цитокинлар ўзгариши текширилганида энг кучли ўзгаришлар остеосинтездан кейинги 10 кунга келиб, IL-1 β прояллиғланиш цитокинига нисбатан биринчи кичик гуруҳ беморларида бўлгани маълум бўлди (609,65 \pm 12,54 пг/мл) (p<0,05). Ўзгаришларнинг бундай табиати иккинчи кичик гуруҳи беморларида ҳам қайд этилди - 350,10 \pm 14,35 пг/мл (p<0,05). Учинчи кичик гуруҳ беморларида IL-1 β прояллиғланиш цитокини нисбати мазкур муддатда ишончсиз кўрсаткичларгача ошган.

Турли кичик гуруҳлар беморлар қонида IL-1 α прояллиғланиш цитокинини эгри чизиғи динамикаси кечаётган яллиғланиш жараёни рақамлари орасидаги фарқларнинг йўқолиши муддатлари бўйича билан фарқланган. Демак, биринчи кичик гуруҳ беморларида IL-1 α прояллиғланиш цитокинини нисбатини энг юқори даражаси остеосинтездан кейинги 10 кунда биз томонимиздан қайд этилди (625,18 \pm 12,36 пг/мл) (p<0,05). Кейинги муддатларда IL-1 α прояллиғланиш цитокинини миқдори 17,48 \pm 1,18 пг/мл гача пасайган (p<0,05). IL-1 α прояллиғланиш цитокини концентрациясидаги ўзгаришларни бундай манзараси биз томонимиздан иккинчи ва учинчи кичик гуруҳ беморларида қайд этилди, бироқ иккинчи кичик гуруҳ беморларида максимал кўрсаткичлар биз томонимиздан жарроҳлик амалиётидан 1 ой ўтгач қайд этилди (588,16 \pm 21,66 пг/мл; p<0,05), учинчи кичик гуруҳ беморларида эса – остеосинтездан кейинги 3 ойдан кейин 604,18 \pm 2,14 пг/мл (p<0,05).

Биринчи кичик гуруҳ беморларида TNF- α прояллиғланиш цитокинини миқдори жарроҳлик амалиётидан кейинги 3 – кунга келиб, қон таркибида жадал ошиб кетган, ва 10-кунга келиб максимал даражага етган (141,25 \pm 33,75 пг/мл; p<0,05). Бироқ кейинги муддатларда прояллиғланиш цитокинини миқдори суяк тўқимаси регенерациясини узок муддатли даврида жадал пасайган. Иккинчи кичик гуруҳ беморларида TNF- α концентрацияси эгри чизиғида худди шундай ўзгаришлар динамикаси кузатилган. Бироқ энг юқори кўрсаткич жарроҳликдан кейинги 3 кунда эрта муддатда аниқланган (134,38 \pm 37,02 пг/мл; p<0,05). Учинчи кичик гуруҳ беморларида TNF- α прояллиғланиш цитокинини концентрацияси графика жадвалида юқори силжишлар кузатилмади. Бу беморларда динамика секин аста ўсиб бориши, суяк тўқимаси регенерациясини узок муддатларида максимал даражаларига етиши билан фарқланади (117,48 \pm 17,34 пг/мл; p<0,05).

Иккинчи кичик гуруҳ беморларида IL-8 прояллиғланиш цитокинини ошиш даражаси дастлабки кўрсаткичларга нисбатан (25,31 \pm 7,41 пг/мл) 11,07 мартага тенг бўлди (280,18 \pm 26,37 пг/мл; p<0,05), бироқ биринчи кичик гуруҳ беморларига нисбатан 1,48 мартага пасайгани маълум бўлди. Учинчи кичик гуруҳ беморларида IL-8 прояллиғланиш цитокинини ошиш даражаси дастлабки

кўрсаткичларга нисбатан ($24,15 \pm 4,78$ пг/мл) 5 мартага тенг бўлди ($120,74 \pm 14,85$ пг/мл; $p < 0,05$), лекин биринчи кичик гуруҳ беморларига нисбатан 3,44 мартага камайди, иккинчи кичик гуруҳга нисбатан эса – 2,32 мартага.

IL-10 прояллиғланиш цитокинини ошиши иккинчи ($8,27 \pm 2,15$ пг/мл; $p < 0,05$) ва учинчи кичик гуруҳлар ($4,04 \pm 0,01$ пг/мл; $p < 0,05$) орасида қайд этилди. Бунда иккинчи кичик гуруҳда ошиш даражаси дастлабки кўрсаткичларга нисбатан 3,14 марта кўп бўлган ($p < 0,05$), бунда учинчи кичик гуруҳ беморларида IL-10 прояллиғланиш цитокинини ошиш даражаси атиги 1,84 марта бўлган ($p < 0,05$), бу эса организмни инфекция жараёнига жавоб реакциясини пастлигини англатади.

Найсимон суякларни ёпиқ синишлари бўлган беморларда қоннинг лейкоцитар реакциясидаги ўзгаришлар суяк тўқимаси регенерациясига боғлиқ ҳолда, остеосинтездан 3 ой ўтиб, лимфоцитлар ва моноцитлар миқдори паст бўлган иккинчи кичик гуруҳ беморларида лейкоцитларни ўрганилаётган миқдорининг минимал кўрсаткичлари билан намоён бўлди. Нисбий нейтрофилёз биз томонимиздан жарроҳликдан кейинги 1 ой ва 1 йилдан кейин қайд этилган. Лимфоцитоз аввалроқ қайд этилди, остеосинтездан 3-6 ой ўтгач, моноцитоз эса – жарроҳликдан кейинги 3 кунда аниқланган. Максимал лейкоцитоз биз томонимиздан беморларда жарроҳликдан кейинги 3 кун аниқланган ва $11,19 \pm 1,58 \times 10^9/л$ га етган ($p < 0,05$). Лейкоцитлар миқдори ўзгаришини динамикасига кўра, нейтрофилларга нисбатан ҳам ўзгаришларни идентик табиатини қайд қилиш мумкин. Ошишни энг баланд чўққиси болаларда жарроҳликдан кейинги 3 кунда қайд этдик.

Беморларда жарроҳликдан кейинги даврда интоксикациянинг лейкоцитар индексини ўртача кўрсаткичлари динамикаси $1,56 \pm 0,27$ бирликни кўрсатган. Максимал кўрсаткичлар 3 кунга ($1,65 \pm 0,31$ ед.) ва остеосинтездан 1 ой ўтгач ($1,64 \pm 0,32$ ед.) тўғри келган. Кейинроқ интоксикациянинг лейкоцитар индексини ўсиши тўхтаган, жарроҳликдан кейинги 1 йилдан сўнг ўз минимал кўрсаткичларига етган ($1,46 \pm 0,28$ ед.).

Аллергизациянинг лейкоцитар индекси интоксикациянинг лейкоцитар индексига нисбатан биринчи кичик гуруҳ беморларида янада кучлироқ намоён бўлиши билан тавсифланган. Назорат гуруҳи беморларида аллергияциянинг лейкоцитар индексига тегишли ўртача кўрсаткичлар $0,83 \pm 0,17$ бирликни ташкил қилган, ва рефренс кўрсаткичлар чегарасида катталикларнинг тебраниши ҳақида гувоҳлик қилади.

Узун найсимон суякларида синишлар бўлган беморларда лейкоцитлар силжишининг ядровий индекси референс кўрсаткичлар чегарасида динамикани тебранишини тавсифлади ($0,03-0,05$ бирл.) ва ўртача $0,04 \pm 0,01$ бирл.ни ташкил қилди.

Фагоцитар индекси пасайиши узун найсимон суякларида синишлар бўлган беморлар орасида клиникага мурожаат куни ва остеосинтезни 3-кун қайд этилди. Кейинроқ суяк регенерациясини меъёрий жараёнида бирор бир йирингли-яллиғланиш асоратларисиз фагоцитар индекси секин аста ўсиши рўй берди. Фагоцитар индекси пасайиши биринчи кичик гуруҳ беморларида суяк қадоғи шаклланишини 6 ойдан кейин ва узоқ муддатли даврда –

даволашнинг 12 ойида бошланган. Учинчи кичик гуруҳ беморларида фагоцитларнинг метаболик фаоллигидаги ўзгаришларни бундай табиати тадқиқотни сўнггигача, ўзгаришлар стабиллигининг сақланишига ёрдам берди.

1 ойгача бўлган муддат оралиғида фагоцитларни метаболик фаоллигини эгри чизиғи динамикаси идентик равишда ўзгарган. Бироқ кейинроқ биринчи кичик гуруҳ беморларида фагоцитларнинг метаболик фаоллиги аҳамиятли тарзда ўсган, бу эса узун найсимон суяклар синишида меъерий регенерация билан яқунланиб, суяк тўқимаси регенерацияси йирингли-яллиғланиш асоратларисиз кечишига ёрдам берган. Бунда йирингли-яллиғланиш асоратлари ривожланишида – фагоцитларнинг метаболик фаоллиги кескин пасайиб кетади.


Шу тариқа, суяк тўқимасининг регенерацияси динамикасида хужайравий ва гуморал иммунитет кўрсаткичларида ўзгаришларни келтирилган табиати ўтказилаётган даволашни яқунида алоҳида ўрин тутишига гувоҳлик қилади. Найсимон суякларда ёпиқ синиши бўлган беморларда хужайравий иммунитет кўрсаткичларининг ўзгариш табиати ўтказилган жарроҳлик амалиёти турига боғлиқ бўлмаган ҳолда, репаратив жараёнлар фазалари билан мос келади. Т-лимфоцитларни CD3+ кўрсаткичларининг экспрессияси 30 кунга келиб 1,4 мартага пасайиши ва В-лимфоцитларни CD19+ жарроҳликдан кейинги 90 кунга келиб, 1,9 мартага пасайиши, фагоцитларнинг функционал метаболик фаоллиги ва нейтрофиллар миқдорини 2 мартага ошишига қарамай, суяк тўқимасининг меъерий регенерациясининг бузилиши рўй беради.

Суяк тўқимасининг меъерий регенерациясида гуморал иммунитетдаги остеосинтездан кейин эрта муддатлар рўй берган эрта ўзгаришлар IL-1 α прояллиғ (29,7 марта), IL-1 β (17,3 марта), IL-8 (9,7 марта) ва TNF- α (12,6 марта) ланиш цитокинлари концентрациясини ортиши, кейин эса остеомиелит беморларида IL-10 прояллиғланиш цитокини миқдорининг 3,1 мартага ва суяк тўқимаси регенерацияси беморларида 1,8 мартага ортиши билан тавсифланади. Текширилган иммуноглобулинларни маҳсулларидаги ўзгаришлар суяк тўқимаси регенерациясини узоқ муддатларида рўй беради, улар репаратив жараёнларни меъерий кечишида IgA ва IgM нинг ўсиши ва нотўғри битиб ўсган синишларда IgG ни миқдори ўсиши билан тавсифланган.

